



№ 08/2521 « 28 » 01 2022y.

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта-махсус
таълим вазирлиги

Ўзбекистон Республикасининг Гуанчжоу шаҳридаги Бош консулхонаси Пекин педагогика университетининг Гуандун провинцияси Жухай шаҳридаги “Макон ва Йўл” филиали (*Belt and Road School Beijing Normal University*) вакиллари билан учрашув ўтказди.

Унда хитой томони 2022 ўқув йилида мамлакатимиздан Бизнес бошқаруви ва Давлат бошқаруви магистри (*MBA/MPA*) йўналишлари бўйича грант асосида 5 та талабани (*белгиланган қабул шартлари асосида*) қабул қилишга тайёрлигини билдирди.

Маълумот учун: Ушбу таълим маскани 1902 йилда ўз фаолиятини бошлаган бўлиб, Пекин педагогика университетининг 4 та йирик филиалларидан бири ҳисобланади. Филиал фаолиятини бошлаганидан буён 80 та давлатдан 300 га яқин хорижий талаба ўқишни битириб чиққан.

“Макон ва йўл” гранти соҳиблари тўлиқ ёки ярим тўлиқ грант асосида қабул қилинади. Тўлиқ грант соҳиби икки йил давомида ҳеч қандай тўловларсиз, ётоқхона, тиббий сугурта ва 2000 юань миқдорида стипендия билан таъминланади. Ярим тўлиқ грант соҳиби эса ҳеч қандай тўловларсиз, ётоқхона, тиббий сугурта ҳамда 1000 юань миқдорида стипендия билан таъминланади.

Ўқув дастурига оид қўшимча маълумотлар илова қилинмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон вакилларининг кўрсатилган ўқув дастурида иштирок этиши масаласини ўрнатилган тартибда кўриб чиқишингизни сўраймиз.

Илова: 6 в.

Вазир ўринбосари

Ф.Сидиков